O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

Куч — адолатда

АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2004 йил 7 май

№18 (461)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Муносабат

ПАРТИЯНИНГ ҲОКИМИЯТДАГИ ВАКИЛИ

ғоявий мақсадларимиз курашчисига айланмоқда,-дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати, академик Турғунпўлат ДАМИНОВ

— Турғунпўлат Обидович, Сиз ўз сўзингизни партиянинг ҳокимият идораларидаги вакиллари ҳақидаги самимий эътирофдан бошладингиз. Айтинг-чи, улар кимлар? Кўпчиликми, озчиликми? Партия дастурий ғояларини амалиётга жорий этишда бу вакилларга таяниш қанчалик фойдали бўлмоқда?

— Аслини олганда ҳокимият учун курашиш ва бу курашда устун мавқега эришиш ҳар бир сиёсий партиянинг бош мақсади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шу нарса яхши маълумки, ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида сиёсий партиялар ўртасидаги соғлом рақобат пировардида давлат истиқболи ва тараққиёти учун зарур бўлган ягона тўғри сиёсатнинг шаклланишига хизмат қилади.

Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, кўппартиявийлик тизими қарор топган мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида ниҳоят ҳокимиятга интилиш тушунчаси пайдо бўлаётгани ва бу тобора амалий аҳамият касб этаётгангани ижобий ҳодисадир.

Ҳа, бугун ҳокимлик ва турли даражадаги бошқарув идораларида ўз вакилларимизга эга бўлдик. Самарқандда, Андижонда, Сурхондарёда шундай ҳолни кузатиш мумкин. "Адолат" социал - демократик партияси аъзолари - Самарқанд тумани ҳокими Баҳодир Саъдуллаев, Тайлоқ тумани ҳокими ўринбосари Саттор Суяров, Жанубий кон бошқармаси бошлиғи Юрий Акопян, Нарпай туманидаги ширкат хўжалиги раиси Нормамат Тошматов. Бекобод шаҳар ҳокими муовини Гулзира Шарипова, Амударё сув ҳавзалари бирлашмаси бошқарувчиси Йўлдош Худойберганов, Сурхондарё вилоят электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Файзулла Сафаров, Қашқадарёдаги йирик газ кони бошлиғи Абдулла Абдуназаров ана шундай вакилларимиздан. Улар партия дастуридаги мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз ҳудудларида иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, тадбиркорликни ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Лекин ҳамма жойда ҳам партия вакиллари ҳокимият ишларида зарур фаоллик кўрсатмаяптилар. Навоий, Сирдарё вилоятларида партиявий ишлар ўз оқимига ташлаб қўйилган. Партиянинг ушбу вилоятлар Кенгашлари жойлардаги бошланғич ташкилотлар, фаоллар билан алоқани узиб қўйган. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда сиёсий анжуманлар, учрашувлар ўтказиш, долзарб ҳаётий масалаларни муҳокама этиш орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш, уни муайян мақсадларга йўналтиришга ҳаракат қилинмаяпти. Тўғриғи, партиянинг биринчи котиблари зиммаларидаги вазифани шунчаки деб билишаяпти.

Бўлажак Парламент сайлови арафасида сиёсатдаги мудроқлик, ўзибўларчилик партияни тарафдорларидан узоқлаштирмайдими? Ахир биз мамлакат тақдири учун муҳим асослар яратадиган Қонунчилик палатасини шакллантиришда бошқа сиёсий партиялар каби фаол иштирок этишимиз зарур. Хабарингиз бор, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида сиёсий партияларни молиялаштириш масаласи муҳокама этилди. Энди партияларнинг эркин, мустақил фаолият юритиш имкониятлари кенгаяди. Демак шу жараёнда ташаббусни ҳозирданоқ ўз қўлимизга олмасак, сайловолди тарғиботларини пухта ташкил этмасак, номзодларни танлашга эътибор бермасак ўз мақсадларимизга эришолмаймиз. Зотан бўлғуси Парламент сайлови асосан сиёсий партиялар ўртасида ҳақиқий кураш шароитида ўтиши шубҳасиздир.

— Демак ҳокимият учун курашда қайсидир сиёсий партиянинг нуфузи, мавқеи ҳақида гапиришга ҳали эрта, жиддий имтиҳонлар олдинда...

— Албатта, хулоса чиқаришга шошилмаслик лозим. Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида мамлакатимиз Президентининг сиёсий партиялар фаолияти хусусидаги куюнчак фикрлари барчамиз учун сабоқ бўлиши керак.

Сиёсий партиялар тинчлик-тотувлик тарафдорлари бўлиб амалдаги сиёсатни ёқлаш билан кифояланиб қолаётганликлари, ислоҳотлар ривожи учун муқобил фикр билдирмаётганликлари, аслида ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига баландпарвоз шиорлар билан ўралашиб қолаётгани танқид қилинди. Демак, биз партия фаолиятида кескин бурилиш ясашимиз керак.

— Аниқроқ қилиб айтсангиз, бу ўзгаришлар нималарни ўз ичига олади?

— Аввало биз ўз фаолиятимиз йўналишларини қатъий белгилаб олишимиз зарур. Мисол учун, мамлакатимиздаги янги тузилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси тадбиркор ва мулкдорлар синфининг манфаатларини ҳимоя қилади. Ўз навбатида партия шундай тоифадаги кишиларнинг қўллаб-қувватлашларига умид қилиб Парламентдаги мавқеини мустаҳкамламоқчи. Лекин тадбиркор бўлмаган, мулксиз кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ким ҳимоя қилади? Ишонч билан айтиш мумкинки — Ўзбекистон "Адолат" социал - демократик партияси! Бизнинг электоратимиз ижтимоий соҳанинг барча вакиллари — ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар, маданият муассасалари вакиллари, аёллар, ногиронлар, қариялар, мухандислар, олимлар, бир сўз билан айтганда барча зиёлилар, жамиятда ҳар бир ўзгаришни тез илғай оладиган, муносабат билдирадиган кишилар.

Партия сафларини айни шундай вакиллар билан мустаҳкамлаганимиз бўлғуси сайловларда ўз самарасини бериши аниқ. Маҳаллаларда, ўқув муассасаларида, меҳнат жамоаларида, шифохоналар қошида кўплаб бошланғич партия ташкилотлари тузганмиз ва улар астойдил иш олиб боришмоқда.

— Турғунпўлат Обидович, сессияда таъкидланганидек, ҳокимият учун курашда сиёсий партиялар ўртасидаги бир хилдаги ёндашувлардан воз кечиш, дастурий ғояларга ўзгартиришлар киритиш зарур деб ҳисоблайсизми?

— Биласизми, "Адолат" социал-демократик партияси ўз ғояларига содиқ қолиши ва ғайрат билан ишлаши керак. Бутун дунёда тан олинган демократик тамойиллар социал-демократик партияларнинг қиёфасини белгилайди. Булар — ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, мустақил фаолият юритиш имкониятлари кенгаяди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллатлараро тотувлик, оила фаровонлиги билан боғлиқ қатор мақсадлар. Гап ана шу мақсадларни нечоғлик амалга оширишда.

— Дарвоқе, тўғри таъкидладингиз. Гувоҳи бўлганингиздек Олий Мажлис сессиясида нафақат давлатнинг, балки ҳар қайси оила, ҳар бир фуқаронинг даромадини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаси сифатида кўрсатиб ўтилди. Айтингчи партия шу жараёнда олиб борилаётган ислоҳотларга таъсир кўрсата олаяптими? Одамларни даромадли иш билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қайси тўсиқларни олиб ташлаш зарур?

— Юқорида таъкидлаганимдек ҳокимият ва бошқарув идораларидаги вакилларимиз, депутатларимиз орқали ислоҳотлар жараёнини таҳлил қилиб бораяпмиз. Зарур хулосалар парламентга ёки тегишли вазирлик ва идораларга олиб чиқилаяпти.

Лекин назаримда қонун ўз ижросини топмаётган ҳолатлар, расмиятчилик, тўрачилик вазифага совуққонлик билан қараш сингари иллатлар ягона мақсад йўлида ғов бўлмоқда. Яқинда "Адолат" газетасида "Бозорқўм пахтакор эмиш..." сарлавҳали танқидий мақолани ўқидим. Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокимининг қўл остидаги раҳбарларни уларга алоқаси бўлмаган ишларга ундаётганининг зарарли оқибатлари кўрсатилган ҳозиржавоб мақола. Ахир яхши яшашимиз учун аввало ҳар бир раҳбар ўз ишига маъсул бўлиши керак эмасми? Биринчи раҳбарнинг манманлиги, фақат ўз обрўйини ўйлаши, қонунларни менсимаслиги ёмон иллатдир!

— Турғунпўлат Обидович, шундай ҳолларда, яъни, ваколатга мос келмайдиган ҳаракатларни "жиловлаш" учун жамоатчилик назорати ўз сўзини айтиши керак эмасми?

— Албатта жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятида катта куч ҳисобланади. Шундай назоратни амалга ошириш учун партия фаоллари ҳам сафарбар этилган. Аммо очиғи, жамоатчилик назорати вакиллари ҳозирча ҳокимият, бошқарув идоралари эшигини тақиллатишга журъат этишолмаяпти. Андиша ёки ҳуқуқий саводсизлик панд бераяпти. Мени ташвишга солаётган нарса - жамиятдаги оғриқли нуқталарни сийпалаб ўтишга ёки уларни "ўткинчи" деб қарашга одатланаётганимиз, сиёсий бефарқлигимиз. Ватаннинг фидойиси бўлиш учун унинг яхши жиҳатларини мадҳ этиш билан кифояланиб қолсак камчиликларни ким бизга кўрсатади? Ахир Президентимиз ҳаётга, ислоҳотларга ҳалол, ошкора муносабатни, фуқаровий бурч ва сезгирликни талаб қилаяптилар-ку. Демак биз ислоҳотларнинг янада илдам ривожланишига манфаатдорлик билан қарашимиз, энг тўғри ғоя ва мақсадларга эргашишимиз даркор. Мамлакатдаги сиёсий барқарорликнинг, ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг кафолати ҳам ана шунда.

Суҳбатдошлар:
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
"Адолат"мухбирлари

9 май Хотира ва қадрлаш куни

Давраларимизнинг тўри, қалбимизнинг қўри сизники

ЖАРҚЎРҒОНДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Шу йилнинг 28 январида "Ўзбекнефтгаз" МХК бошқаруви қарорига асосан Россиянинг "Петромаруз" компанияси билан ҳамкорликда Сурхондарёда нефтни қайта ишловчи завод қурилиши ишлари бошлаб юборилди.

Мазкур қурилаётган корхонанинг лойиҳа қиймати 5397,9 минг АҚШ долларини ташкил этади. Завод "Жарқўрғоннефтниқайтаишлаш" номи билан аталиб вилоят Адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинди. Унинг устав фонди 150 минг АҚШ долларидан иборат бўлиб, 67,5 минг АҚШ доллари "Жарқўрғоннефть" ОАЖ улушига ва 82,5 минг АҚШ доллари эса "Петромаруз" компанияси ҳиссасига тўғри келади.

— Нефть қазиб чиқариш режаларини доимо ошириб бажарамиз, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Турсунали Рўзиев. — Лекин қўшни Туркманистон ҳудуди бўйлаб кесиб ўтадиган темирйўл хизматидаги нарх-наволарни ошиб туриши маҳсулот таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида кўплаб мижозларимиз маҳсулот ташишни автомобиль транспортида амалга оширишади. Натижада хорижлик мижозлар сони камайиши кузатилмоқда. Шу боис ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш режаси 78 фоизга бажарилди.

Нефтни қайта ишловчи заводимиз ишга тушиши билан вилоятимиз ёнилғи ва кимё саноатида янги имкониятлар очилади. Келажакда Сурхондарёда бензин, керосин, солярка, битум ва битум маҳсулотлари, парафин ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мумкин...

Дарвоқе, 830 нафар ишчи ва хизматчи тер тўкиб меҳнат қилаётган ушбу муассасада Эшболта Бердимуродов, Мўминжон Нормуҳаммедов, Баҳодир Раҳмонов, Жўра Мардонов, Бахтиёр Нормурдов, Абдурашид Йўлдошов, Ғайрат Раҳмонов сингари фаоллар янги қўшма корхона барпо этилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги III Пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров уни очар экан сайловлар йилида партиявий ишларни янада кучайтириш ва бу орқали сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан қилинадиган ишларга қатнашчиларнинг эътиборини қаратди. Шундан сўнг сўзни шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Юсуповга берди.

Нотиқ шаҳар партия ташкилотининг кенг қамровли фаолияти ҳақида алоҳида тўхталар экан, ҳозирги кўппартиявийлик шароитида омма орасида "Адолат" СДПнинг нуфузини ошириш учун фаолликни кучайтириш зарурлигини қайд этди. Ўз навбатида партия сафдарини фидойи аъзолар билан мустаҳкамлаш зарурлигини билдирди. Биринчи котиб айтиб ўтганидек тарғибот ишларини кучайтириш, амалий ишларга киришиш айниқса, бу соҳадаги муҳим омиллардан биридир. Қолаверса, туманларда ҳисобот-сайлов конференцияларини пухта ишлаб чиқилган режалар асосида юксак савияда ўтказиш ҳам амалий ютуқларни бойитади. Шундай экан, имкониятни бой бермаслик зарур.

Кўрилаётган масалалар юзасидан сўзга чиққан Хамза тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Турсуной Салимова, Шайхонтоҳур тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Муҳиддин Зайнитдинов, Юнусобод туман партия Кенгашининг биринчи котиби Ҳақбердди Мисиров ва бошқалар билдирилган фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаб, ишнинг самарасини ошириш учун ҳар бир партия аъзосининг иштирокини кучайтириш зарурлигини айтиб ўтишди. Шу билан биргаликда партия Сиёсий Кенгаши ташкилий бўлими мудири Абдулла Ортиқов пленумда сўз олиб, бу йилги сайлов жараёни янада мураккаб кечишини билдириб ўтди. Сиёсий жараёнда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб бориш учун партия аъзоларини партиянинг бош нашри "Адолат" газетасига обуна бўлиб, уни мунтазам ўқиб бориш кераклигини таъкидлади.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. Тошкент шаҳар партия Кенгашининг котиби Э.Убайдуллаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди. Шунингдек, шаҳар партия Кенгашининг котиби М.Одилова ўз аризасига мувофиқ лавозимидан озод этилди.

Айни пайтда Тошкент шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаб келаётган А.Умаров иккинчи котиб этиб, Г.Атабекова эса партия Кенгаши котиби этиб сайланди. Шаҳар партия Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Вилоят ШОДИЕВА,
"Адолат" мухбири

Адолат СДП ҳаётидан

СЕССИЯГА БАҒИШЛАНДИ

"Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш" акциядорлик компанияси муҳандислик технология хизмати марказий унитар корхонаси мажлислар залида "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда партия фаоллари ва тарафдорлари қатнашдилар. Вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби Абдулла Абдуназаров пленумни очар экан, бу ерда тўпланганларнинг эътиборини яқиндагина ўз ишини тамомлаган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокама этган масалаларга, қабул қилган қарорларга, Президентимиз Ислом Каримовнинг сессиядаги "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ" деб номланган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратди.

Пленумда иштирок этган Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Маънавият ва маърифат кенгаши маъсул котиби Маматқул Ражабов сессиянинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида батафсил тўхталди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида олға сурилган ғоялар мақсад ва вазифалар ҳақида гапирди. Ватанимизнинг тинчлиги, хавфсизлиги осойишталигини таъминлаш нақадар муҳимлиги, бу халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, букилмас иродасига боғлиқлиги ҳақида тўхталди.

Ёшлар ватанимизнинг келажагидир. Уларни сезгирлик, ҳушёрлик руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир."Хизбут-таҳрир"га ўхшаш диний экстремистик оқимларга ёшларимизнинг билиб-билмай кириб қолишидан эҳтиёт бўлмоғимиз даркор. Зеро, шу йилнинг март ойи охирида пойтахтимиз ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманида бўлган портлатишларга ўхшаш кўнгилсиз воқеалар асло такрорланмасин.

Сессияда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномаси бу борада дастуриламал вазифасини ўтайди.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

М.ХОЛМУРОДОВ

КОТИБЛАР ЎЗГАРДИ

5 май куни "Адолат" СДП Навоий вилоят Кенгаши Пленуми ўтказилди. Пленум кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловлар бўсағасида Навоий вилояти партия ташкилотининг вазифалари билан биргаликда ташкилий масала ҳам киритилди.

Биринчи масала юзасидан партия Сиёсий Кенгашининг котиби Равшан Ҳайдаров маъруза қилди. У ўз сўзида "Адолат" социал-демократик партиясининг партия ташкилотларида Сиёсий Кенгаш XI пленуми қарорларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар, Олий мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро терроризм ва экстремизмга қарши қаратилган оташин нутқини қўллаб-қувватлаб партия ташкилотларида ўтказилаётган дадбирлар ҳақида гапириб берди. Нотиқ Навоий вилояти партия Кенгашининг юқорида қайд этилган ишлардаги ҳиссасига тўхталиб, улар фаолиятини қаттиқ танқид остига олди.Ўтган вақт мобайнида ташкилий-партиявий, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, партия аъзолари сонини ўстириш, халқ орасида обрў-эътибор орттириш ўрнига вилоят партия Кенгаши туманлардаги ва марказдаги партия ташкилотлари билан алоқани деярли узиб қўйди. Сиёсий Кенгаш пленуми қарорларида кўрсатилган тадбирларнинг бирортасини амалга ошира олмади.

Пленум вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Бобокатта Шодиевни ўз аризасига кўра вазифасидан озод этди. Биринчи котиб этиб вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Мавлон Сафаров сайланди.

Шунингдек, Навоий шаҳар Байналмилал Жангчи Фахрийлар бирлашмаси раиси Холмурат Аҳмедов вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби этиб, Гулчеҳра Саторова эса котиб этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Байналмилал Жангчи фахрийлар бирлашмаси раиси, "Адолат" СДП аъзоси Талъат Муродов иштирок этди.

Вилоят ШОДИЕВА,
Асқар ЖАЛИЛОВ,
"Адолат" мухбирлари

Куюнчак газетхон мактуби

АКЦИЯДОРЛАР НЕГА НОРОЗИ

Раҳбар деганда ташкилот учун жон куйдириб ишлайдиган жонкуяр фидоий одамлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Президентимиз И. Каримов ҳам ҳар гал сўзга чиққанларида раҳбарларнинг ҳалол ва пок кишилар бўлишини, улар қўл остида меҳнат қилаётган ходимларига нисбатан ғамхўрлик кўрсатиши лозимлигини бот-бот такрорлайдилар.

Биз "Навоийдонмаҳсулот" ишлаб чиқариш корхонасида 10 йилдан бери ишлаймиз. Корхонамиз 1996 йилда акциядорлик уюшмасига айлантирилди. Шундан кейин ишларимиз анча олдинга сурилди. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланди, маошларимизни ,ўз вақтида ола бошладик. Ҳатто акциядорларга дивидентлар ҳам берилди...

Дилшод Шомуродов 2003 йилнинг апрел ойида уюшмамизга раис этиб сайланди. Биз акциядорларнинг янги раҳбардан умидимиз катта эди. Афсуски, барча умидларимиз саробга айланиб бормоқда. Раисимиз ўзига яқин одамларни атрофига тўплай бошлади. Корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ўрнига, 50 дан зиёд ортиқча иш ўринларни ташкил қилди.

Ачинарли томони шундаки, корхонамизнинг даромад манбаи бўлиб келаётган Қизилтепадаги "Корма" заводи акциядорлардан яширин равишда сув текинга пулланди. Яна икки вагон гуруч қанақадир хусусий фирманинг "сечка"сига алмаштирилди. Ҳар бир донаси 45-50 минг сўм турадиган 300 донага яқин брезент 220 минг сўмдан сотиб олинди. Бу каби ҳолатлар акциядорлар мулкини ноинсофларча ўзлаштириш эмасми... Д. Шомуродов раис бўлиб келгандан бери 900 дан зиёд акциядорларнинг ҳеч қайсиси бир сўм ҳам дивидент олгани йўқ. Чунки, ўз "жигилдони"ни ўйлаган раисимизнинг ўзбошимчалиги туфайли корхонамиз иқтисоди ривожланиш ўрнига кун сайин орқага кетяпти.

Иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган ташкилотимизга Д.Шомуродов раҳбар бўлишидан кимнидир манфаатдор бўлаётгани тайин. Чунки, у бошқа ташкилотларда юқори лавозимда ишлаган пайтида ҳам бу каби ишларни амалга оширган. Хусусан, Хатирчи туманидаги"Савдогарбанк"ни бошқарувчиси бўлган пайтида маҳаллийчилик, таниш-билишчилик қилганлиги туфайли 1998 йили Навоий вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида қаттиқ танқид қилинганди. Шундан сўнг у Навбаҳор туманидаги "Калкон-по" савдо жамиятига раис этиб тайинланди. Ва унинг "меҳнат"лари эвазига бу ташкилот ҳам банкрот ҳолатига тушиб қолди. Шу ўринда яна бир гап: шунча қилгиликларни қилса ҳам унинг юқори лавозимларда ишлаб келаётгани замирида не сир-синоат яширинган экан. Шуниси бизни ўйлантиради.

Азим Норов,
Фарҳод Неъматов
"Навоийдонмаҳсулот"
ишлаб чиқариш
акциядорлик уюшмаси ишчилари

Бизни ундар ёркин келажак сари

Ўзбекистон Жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) Бирлашмаси Афғон урушида қатнашган 65000 нафардан зиёд байналмилалчи-жангчилар, 1522 ҳалок бўлган жангчилар оила аъзолари ва 5000 дан зиёд уруш ногиронларини ҳимоя қилиш мақсадида 1987 йили ташкил этилган нодавлат - нотижорат хайрия ташкилотидир.

Бирлашманинг асосий мақсади байналмилалчи-жангчилар, ногиронлар ва ҳалок бўлган жангчилар оила аъзоларини ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий ҳимоя қилиш, соғлиқларини қайта тиклашда кўмак бериш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш ва ёшларни Ватанни севувчи, ўз халқига ва Президентига содиқ, комил инсон бўлиб етишишларига оид давлат дастурларида фаол иштирок этишдан иборат.

ЖАНГЧИ ФАХРИЙЛАР ТАЯНЧИ



1999 йил сентябр ойида Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Кучли тузилма раҳбарлари билан ўтказилган учрашувда Кенгаш аъзолари олдига ташкилий ишларнинг аҳволини яхшилаш ва ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш ишларини фаоллаштириш вазифаси қўйилди.

Бирлашма низомига асосан Кенгаш аъзолигига Қорақалпоғистон Республикаси ва хамма вилоят жангчи-фахрийлар /Байналмилалчилар/ бўлими раислари ҳамда Афғонистонда хизмат қилганлар фаоллари киритилди.

Бирлашмамиз ўз ишини бошлашининг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги катта ёрдам кўрсатди. Вазирлик томонидан Марказий зобитлар уйидан Бирлашма учун жихозланган, телефонли хона ажратиб берилди. 1999 йил декабрь ойига келиб, ташкилий ишларни йулга қўйиш мақсадида Мудофаа вазирлиги томонидан уч миллион сўм пул ажратилди.

Шундан кейин ишни байналмилал-жангчиларни, ногиронларни ва урушда халок бўлганларнинг оилаларини аниқлаш ва рўйхатга олишдан бошладик. Шу билан биргаликда вазирликлар, идоралар билан, асосан ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, Адлия вазирлиги ва Давлат чегараларини ҳимоя қилиш Қўмитаси ҳамда Республика касаба уюшмаси, ёшлар ташкилотлари ва "Соғлом авлод учун", "Қизил ярим ой жамияти" каби нодавлат ташкилотлари билан ишлай бошладик.

Бирлашмамизнинг низомда кўрсатилган фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида режадаги ижтимоий, тиббий тикланиш, ғоявий ишлар, ёшларни харбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини яхшилаш мақсадида Республика Мудофаа вазирлиги билан Жанғчи-фахрийлар /байналмилалчилар/ Бирлашмаси ўртасида 1999-2000 йилларда бирга фаолият кўрсатиш учун иш режаси имзоланди.

2000-2001 йилларда қилинган самарали меҳнат натижасида ***"Захирага бўшатилган ва хизматдаги харбийлар, ҳамда хизматга чақирилган ёшларнинг ҳуқуқий ҳимояси"*** мавзусига бағишланиб тузган дастуримиз СОРОС Фондининг Грантига лойиқ деб топилди. Грант бўйича олинган оргтехника, компьютерлар, ксерокслар, сканерлар, факслар ва бошқа асбоблар Бирлашмамиз ишларини сезиларли даражада енгиллаштирди. Ундан ташқари олинган Грант туфайли 4 нафар ходимимизга иш ҳақи тўлаш муносабати билан Бирлашмамизнинг иш ҳақи фонди бўйича ажратилган маблағнинг сезиларли қисми иқтисод қилиб қолинди. Бирлашмамиз вакиллари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Венгрия, Польша, Япония ва хамдўстлик мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда фаол иштирок этишди.

Иқтисодий ва харбий ватанпарварлик ишлари.

1999 йил сентябрь ойида Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон жанғчи-фахрийлар (байналмилалчилар) Бирлашмасининг биргаликда иш режаси ва Мудофаа вазирлигининг 1999 йил 25-сентябр кунги Д-18 сонли директивасига асосан Бирлашманинг фаолиятини янада кучайтириш, конференция ўтказиш ва бошқа ташкилий масалалар учун вазирлик томонидан Бирлашмага моддий ва маънавий ёрдам берилди.

Армия ёшигача бўлган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида 2000 йил Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан биргаликда ўқув маркази қошида биринчи марта харбий-спорт лагери "Ёш Чегарачи-2000" ташкил этилди. Бу лагерда ёзги таътил вактида клубларнинг 70 нафар курсантлари билан бирга фахрий байналмилалчи-жангчиларнинг фарзандлари дам олишди

Бирлашма раҳбарияти ишини янада такомиллаштириш максадида 2001 йилдан бошлаб ходимларни танлаб-танлаб ишга олиш йўлга қўйилди. Натижада фаолиятимизда ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Бирлашмамиздаги ғоявий ишларни мустаҳкамлаш шунингдек, байналмилалчи жангчилар жасоратини кенг тарғиб қилиш, ҳозирги ишларни кўрсатиш мақсадида Республика рўзномалари билан хамкорлик йўлга қўйилган.

2001 йилдан буён Бирлашмамиз ва унинг бўлимларига бағишланган 30 дан ортиқ мақола матбуотда эълон қилинди. Бирлашмамизга 2001 йил охирида Америка Қўшма Штатлари элчихонасидан 5000 АҚШ доллари Грант асосида, ажратилди.

Бирлашмамиз томонидан 2001-2002 йиллар учун плакат-календарь чоп этилди.

Мухтарам Президентимизнинг фармонларини бажариш доирасида, халқ ўртасида Конституциявий хуқуқларимизни ўрганиш учун "Армия ёшигача бўлган ёшларга ёрдам" маълумотномаси, бирлашмамиз хаётига бағишланган китобчалар нашр этилди, ундан ташқари "Фахрий-байналмилалчиларга ёрдам" маълумотномаси чоп этилиш арафасида турибди. Ҳар ҳафтада Бирлашмамиз хизматчилари ҳар-хил радио дастурларда иштирок этиб мулоқот ўтказадилар.

Давлатимиз тарихини ўрганиш , ҳамда ёшларга харбий ишлар нималардан бошланишини тушунтириш мақсадида "Ёшлар" радиосида "Ватан химоячиси" радиовикторинаси ўтказилади. Тўғридан-тўғри эфир орқалиқ ўтказилган викторина ғолиблари учун тайёрланган қимматбаҳо совғаларини ғолиблар эшиттиришнинг эртаси куни кериши бежиз эмас. Чунки харбий ватанпарварлик клубларимизда хар йили мингга яқин ёшлар бошланғич харбий тайёргарликдан ўтишади.

Республика миқёсида ҳарбий ватанпарварлик клублари ишларини мувофиқлаштириш мақсадида "Ёш Чегарачи-2000", "Чегарачи 2001" "Ватан ҳимоячиси 2002", "Ватан ҳимоячиси- 2003" **ҳарбий спорт лагерларида Республика спартакиадаси ўтказилди, ҳамда ўзаро тажрибалар ўрганилмокда.**

Лагеримизда ҳар йили иштирок этадиган 300 дан ошиқ ёшларга хозирги шароитда халқаро терроризим ва диний экстремизмга қарши олиб борилаётган кураш хақида маълумотлар бериб ўтилади.

Халқаро терроризмга, диний экстремизмга, наркобизнесга **қарши кураш доирасида Бирлашмамизнинг Самарканд вилоят бўлими кошида фаолият олиб бораётган "Сиёвуш" харбий ватанпарварлик уюшмаси(900 киши , 9 клуб), Тошкент вилоят Чирчик шахар бўлими "Ватанпарвар" ва "Танкчи" харбий ватанпарварлик клуби (80 киши, 2 клуб), Наманган вилояти "Мустакиллик уғлонлари" (1 клуб, 200 киши), Тошкент шахрида "Амир Темур уғлонлари"ва "Йулбарс"(2клуб 100 киши), ташкил этилган клублар фаъол катнашиб келмокдалар.**

Ҳарбий ватанпарварлик клублари аъзолари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Республика Прокуратураси, Давлат чегараларини химоя қилиш Қўмитаси, "Камолот" ЁИХ, "Ёшлар" телеканали вилоят бўлимлари билан хамкорликда "Ўзбекистон ёшлари халқаро терроризмга қарши" шиори остида Самарқанд ва Тошкент вилоятларида тадбирлар ўтказиб келмокдалар .

Ташкил қилинаётган бу каби тадбирларга Америка Қўшма Штатлари, Россия ва бошка мамлакатлар элчихона ходимларини таклиф қилиниб, биргаликда бутун жахон оммасига қарата қўшма мурожаатлар қабул қилинмокда.

2002 йил Москва шахрида Мустакил Давлатлар Хамдустлиги кошидаги байналмилалчи жангчилар ишлари бўйича Кумита рахбарлиги остида "МДХ фахрийлар ташкилотлари терроризмга карши" шиори остида ўтказилган халкаро конференцияда фаол иштирок этдик.

Ёшлар билан олиб бораётган фаолиятимизни, илғор тажрибаларимизни ўрганиш ва бахо бериш мақсадида "Бутун Жахон ёшлар ташкилоти" раиси ва Япония Ҳалқаро ёшлар палатаси вице-Президенти жаноб Коши Вашиза-ва ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ёшлар ташкилотлари вакиллари биз томонидан ташкил этилган ҳарбий-спорт лагерларида қатнашиб, "Бундай фарзандлари бор юрт барқарорлик ва ҳавфсизлик кафолати бўла олади"дея ўзларининг ижобий фикрларини билдирдилар.

Ишончимиз комилки, бу каби ўтказилаётган тадбирларимиз бундан кейин ҳам давом этади ва ўсиб келаётган ёш авлод учун катта сабоқ бўлади

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини, чегара ва ички қўшинларини ягона давлат сиёсати асосида ислоҳ қилиниши давом этаётган ҳозирги даврда, ташкилотимиз фаолиятига алоҳида ўрин ажратилган. Бу борада ташкилот олдида турган асосий вазифа чақирилув ёшига етмаган ва чақирилув ёшида бўлган ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида қурол-аслаҳа, харбий техникадан фойдаланиш тажрибасига эришиш, ёшларда Ватанига, ўз халқига, Президентига, харбий касамёдга содиқлик, ўз юрти тарихи ва анъаналарига чуқур ҳурмат, халқлар дўстлиги, юкори сиёсий хушёрлик, халқаро терроризм ва фундаментализмнинг барча турларига нафрат рухида тарбиялашдан иборатдир.

Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон чегараларни химоя қилиш Қумитаси,"Ватанпарвар" МКТ билан яқиндан ўрнатилган ҳамкорлик натижасида бу сохада ҳам янги мутахассисликлар, яккакурашчилар, тоғ-ўқчилари, мерганлар ва чавандозларни тайёрлаш йулга қўйилмокда. Бу борада Самарканд, Сирдарё, Наманган вилоят булимларининг ибратли ишларини алоҳида таъкидлаш зарур.

2002 йил, 15 февраль куни Тошкент шаҳрида ўтказилган II Республика қурултойида Бирлашманинг 27 нафар Кенгаш аъзоси, 7 нафар раёсат аъзолари янгитдан сайландилар.

Янги сайланган кенгаш диққат марказида байналмилал-жангчилар, ногиронлар ва халок бўлган жангчилар оила аъзоларини хукуқий, ижтимоий химоя қилиш ва маънавий қўллаб қувватлаш, тиббий қайта тиклаш ишларида фаол иштирок этиш билан бирга ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишига тайёргарлик сифатини кучайтириш бўйича ишларни янада ошириш вазифаси турибди. Шунингдек асосий эътибор ташкилотни иқтисодий томондан мустахкамлаш, ўз тизимидаги ташкилотларнинг иқтисодий мустақиллигига эришиш ва шу орқали фаолиятини моддий таъминлашга қаратилган. Хўжалик фаолиятни ташкил этишда янги шакл ва услублар ишга солинмокда. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турлари кўпайтирилгти. Шу билан бирга ишлаб топилган хамда марказлаштирилган манбаалардан ажратилган маблағларни тежаш, уларни фақат аниқ мақсадларга сарфлашга ҳаракат қилинмокда. Бирлашма моддий-техника негизини яратиш, янгилаш, такомиллаштириш, ўзига тегишли бўлган бино ва турли иншоотларни таъмирлаш, ходимларни ижтимоий химоя қилиш масалаларини ижобий хал қилиш, эришган энг катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Бирлашмамиз вилоят бўлимлари маблағ топишнинг янги йулларини излаб топиш билан бирга, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга, даромад қисмини кўпайтириш ва ўз ташкилотлари самарадорлигини бир маромда олиб боришга ҳаракат қилмокдалар. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган вилоятлари бўлимлари иши диққатга сазовор.

Бирлашма ходимлари байналмилалчи-жангчилар, ногиронлар ва халок бўлган жангчилар оила аъзолари ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича тинмай меҳнат қилмокдалар. Уларнинг ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланмокда. Ўтган давр мобайнида ташкилотнинг 10 га яқин вакили турли давлат мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлдилар.

Бирлашмамиз олдида янги вазифалар турганлигини, уларни чин дилдан, аъло даражада адо этиш юксак инсонийлик бурч эканлигини бир дақиқа хам унутмаган ҳолда, барча имкониятларни шу вазифага қаратмок хам фарз, хам қарздир. Бирлашмамизнинг барча аъзолари ўз олдига юртимиз равнақи йўлида қуйиб ёниб меҳнат қилаётган, барча давлатлар ва миллатлар томонидан тан олинган рахбаримиз Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов атрофида янада жипслашишга ва у амалга ошираётган инсонпарварлик сиёсатини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссаларини қўшиш йўлида астойдил ишлайверадилар.

Талъат МУРОДОВ,
Ўзбекистон Жангчи фахрийлар (байналминалчилар) «VETERAN»бирлашмаси раиси.

БАЙНАЛМИНАЛЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

ИМТИЁЗЛАР БЕРИШГА АСОС БЎЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР.

1. Байналмилал бурчини бажарган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Байналмилал бурчини бажараётган пайтида яраланган, контузия олган ёки жароҳат олганларга бундан ташқари авиа, темир йўл ва автотранспортда юриш учун 50 фоизли талонлар берилади.

Бу гувоҳнома ва имтиёзли юриш учун талонлар ҳарбий қисмлар, мудофаа вазирлиги, унинг жойлардаги бўлимлари, туман меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда шунга кафолатли ташкилотлар томонидан берилади.

2. Ногиронлиги байналмилал бурчини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар уруш ногиронларига бериладиган имтиёзларга тенг бўлиб, унга уруш ногирони гувоҳномаси берилади. Имтиёзли юриш учун талонлар тегишли нафақа тайинланган ташкилотлар томонидан берилади. Шу боис уларга юқорида эслатилган имтиёзлар тўғрисидаги гувоҳнома берилмайди.

3. Байналмилал бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ҳарбий жангчиларнинг оилаларига қонунчиликда белгиланган имтиёзлар нафақа тайинланган ташкилот томонидан берилган маълум шаклдаги маълумотнома асосида берилади.

4. Байналмилал бурчини бажарган ишчи ва хизматчиларга, шу даврда халок бўлган ишчи ва хизматчиларнинг оилаларига тегишли имтиёзларни бериш учун яраланганлиги, контузия, жароҳат олганлиги ёки ҳалок бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, орден ва медалларнинг гувоҳномалари ва бошқалар асос бўлади.

ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ

Хизматни Афғонистонда ўтаган ҳарбий хизматчиларнинг нафақа пули тасдиқланаётганда 1 ой хизмати - 3 ой деб ҳисобланади.

Аммо бу имтиёз ҳарбий хизматчи муддатини Афғонистонда тўлиқ ўтаган бўлсагина ҳисобга олинади. Яралар-лик , контузия, майиблик ёки касаллик сабаб бўлса - хизмат муддати ҳисобга олинмайди.

Бундан ташқари имтиёзли нафақа тасдиқланаётганда яралар-лик, контузия, майиблик ва касаллик туфайли даволаниш муассасаларида ўтказилган вақт ҳам ҳисобга олинмайди.

Қуйидаги имтиёз ҳарбий хизматчи номига доғ туширган, ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилиб, Афғонистондан қайтариб юборилган ҳарбий хизматчилар учун қўлланилмайди.

ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМАЛАР ЙЎҚОТИЛГАН ВА ФОЙДАЛАНИШГА ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛГАНИДА АЛМАШТИРИШ ТАРТИБИ.

Байналмилал-жангчиларнинг имтиёзли гувоҳномалари яроқсиз ҳолга келганида яшаш жойларидаги мудофаа ишлари бўлими бошлиғи номига дубликат олиш учун ариза берилиши лозим.

Имтиёзлар ҳуқуқини белгиловчи гувоҳнома йўқотилганида мудофаа ишлари бўлими томонидан ушбу ҳолат ўрганилиб чиқилади, бу ҳолатлар натижасида ҳужжатларни сақлаб қолиш иложи бўлмаган пайтда (бирон-бир кучли табиий офат содир бўлганида ёки бошқа сабаблар) йўқотилган ҳужжатни тиклаш яъни дубликат олиш учун юқори ташкилотларга хат жўнатилади.

Бундай ҳолларда керакли бўлган ҳужжатлар тақдим этилади, яъни йўқотилган ҳужжатларни қидирилгани ҳақида (ҳужжат йўқотилганлиги ҳақида матбуотларда, рўзномаларда эълон қилинганлиги, топилмалар столидан олинган маълумотнома), ҳамда Ўзбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг тегишли бўлими томонидан ёзилган хати (яъни расмий илтимосномаси).

ЎҚИШГА, ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА МЕҲНАТГА ОИД ИМТИЁЗЛАР

Мутахассисликка эга бўлмаган, шунингдек соғлиғига кўра касбини ўзгартиришга муҳтож бўлган ёки янги касб эгаллашни хоҳлаган ногиронлар ишлаб чиқариш-иқтисодий ўқуви, ҳунар - техника таълимининг умумий тизими орқали тегишли касб ва малака олишлари мумкин.

Байналмилал-жангчилар тегишли касб ёки ишлаб-чиқариш малакасини кўрлар, кар-соқовлар ва ногиронларнинг республика ўқув ишлаб-чиқариш корхоналарида олишлари ҳам мумкин, ўқувчилар бу корхоналарда ўқишда бўлган даврларида тўлиқ давлат таъминотида бўладилар.

Байналмилал-жангчиларга тегишли касбларни ўргатиш мақсадида ҳунартехника ўқув юртлари ва курсларига кириш учун уларга бир қатор ҳуқуқлар берилган.

Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ишлаб чиқариш иқтисодий ўқув вақти учун уларга қуйидагича ҳақ тўланади:

- янги касб эгаллашда ўқишнинг барча даври учун ишчи тариф ставкасининг 100 фоизи;

- ходимларни қайта тайёрлашда, иккинчи касбга ўқитишда ва малака оширишда ишдан ажралган ҳолда ўқишнинг барча даври учун мавжуд касб ва малака бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Заҳирага бўшатилгандан ёки истеъфога чиқарилгандан кейин ишга кирган байналмилал ҳарбий хизматчилар навбатдаги йиллик отпускани олиш ўзларига қулай вақтда шунингдек, бир йилда икки ҳафтагача иш ҳақи сақланмаган қўшимча отпуска олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бунда кўрсатилган қўшимча отпуска асосий отпускага қўшиб берилиши ёки алоҳида берилиши ҳам мумкин.

Даволаниш ва сиҳатгоҳларга бориб-келиш учун навбатдаги ва қўшимча отпускалар етмаган ҳолларда (йўлланма ким томонидан ва кимнинг ҳисобидан берилганлигидан қатъи назар) керакли кунларга касаллик варақаси берилади.

ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАГА ДОИР ИМТИЁЗЛАР

Умумий қоидага биноан ишлаётган ногиронларга улар касал бўлиб қолганда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси узлуксиз икки ойга ва бир йил мобайнида кўпи билан уч ойга берилади.

(Давоми бор)

Ҳамюртларимиз, ветеранларимизнинг 1941-1945 йилларда жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонликлари мана неча йиллар ўтибдики ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Ўзбек халқининг асл ўғлонлари жанггоҳларда бизнинг бугунги тинч ҳаётимиз, фаровон кунимиз учун ўз ҳаётларини аямай жанг қилишди.

Уларнинг хотиралари олдида бош эгамиз.

Йиллар ўтиши билан фахрийларимиз сафлари камайиб бормоқда, урушда олинган жароҳатлар ўзининг ишини кўрсатаяпти.

Ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш бугунги авлодларнинг олдида турган катта фарздир.

Афғон уруши фахрийлари ҳам мана шу юртнинг, шу халқнинг фарзандларидир. Озгина бўлсада улар уруш нималиги, ўз яқинлари, дўстлари, ҳамюртларини йўқотиш қанақа бўлишини кўрдилар.

Ўзбекистон жангчи-фахрийлар (байналмилалчилар) "VETERAN" бирлашмаси

ҳаммага узоқ умр, сиҳат - саломатлик, тинчлик, хотиржамлик тилайди.

Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин, ҳамиша соғ бўлинглар!

Азиз инсонларнинг хотиралари

БУЮК ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

(Боши ўтган сонда).

Нуқтаи назарим асоссиз бўлмаслиги учун дунёвий санъат оламида улуғ хизматлар қилган сиймолар ва уларнинг инсоният тараққиёти йўлидаги изланишлари ва иқтидорларини кучим етганча ифодалашга уриниб кўраман. Гап Шукур ака ҳақида бораётир. Шу куни саҳнада Ҳамлет қиёфасини яратган Шукур ака гўё узоқ вақт қафасда ётган, яъни куч-қудратини сарфламаган, шунингдек, қафас жонига теккан, охир-оқибат қулдорга, қулликка қарши исён бошлаган, ўлимни ўйламай тишлари билан қафасни парчалаб чиқиб, ниҳоят зулмга қарши бутун вужуди билан ташланган шерни, гўё минглаб бўрилар, айиқлар орасида талонда қолган телба йўлбарсни ё шерлар, йўлбарслар орасида таланаётган қора қоплонни, ё бўрилар тишлари орасида жонини сақлаш учун оламни ёргудай кишнаётган тулпорни эслатар эди. Ёки елдай чопиб бораётган оҳунинг кўксига ногаҳоний ўқ тегиб ерга тумшуғи билан санчилиб, оғриқ ва ўлим таҳликасида териси тиришиб, танаси титраб, кўзларидан шашқатор ёшлар тўкилиб, инграётган кезлардаги аҳволини кузатиш мумкин эди.

Бир актёрнинг хислатларини шундай жўшиб ифодалаётганимдан ҳатто хижолат ҳам бўламан... агар айтиш жоиз бўлса, Шукур аканинг Ҳамлетни ўйнаётган кездаги аҳволини шундай қиёслаш мумкин: қуёшдай илоҳий қудратни иссиқлик билан таъминлаган ва барча сайёраларни ҳаракатга келтирган олий қудрат ё икки олам ва оламнинг жараёнлари, тўлқину тўфонларини қўзғатган сирлару асрорлар Шукур акада мужассамланган ва намоён бўлаётганди... жаҳонгир дунёга келди... у жаҳонни заб этиши шарт... этади... унга қарши чиқадиган, уни тўхтатадиган куч-қудрат топилмайди. Қолаверса, бу Илоҳнинг жаҳонгир орқали эришган вазифаларидир... санъат оламида ҳам бизнинг асримизга келиб тенгсиз жаҳонгир — Шукур Бурхон туғилган эди... санъат оламини забт этиши шарт эди, этди... ахир адабиёт оламида ҳам жаҳонгирлар бармоқ билан санарли даражада кам... санъатда ҳам шундай, агар инсон санъат оламида уч ё тўрт жаҳонгирни кўрган бўлса, менинг назаримда бири Шукур ака эди... борди-ю, тақдир тақозоси билан унинг отини кимдир адабиёт оламига буриб юборганда табиийки, даҳо шоир бўларди... Балки у беш аср нарида дунёга келганда жаҳонгир бўлиши ҳам ҳақиқатдан холи эмасди...

Шу кунгача мен киноларда, театрларда (тарихда ўтганлари бундан мустасно) Ҳамлет қиёфасини яратган кўп актёрларни кўрдим. Бироқ Шукур акадай илоҳий қудратни, санъат оламини даҳшатга солган санъаткорни чиндан ҳам кўриш бошқа насиб этмади.

Гарчи бу оддий бир қаламкаш, оддий бир томошабиннинг нуқтаи назари бўлса-да, аслида ҳеч кимнинг баҳоси ва нуқтаи назари, ифодасига муҳтож бўлмаган ҳақиқатдир. Тангрига минг бор шукрлар бўлсинким мана шундай илоҳий қудратни ўзи ҳаётлигида кўриш, суҳбатлашиш менга ҳам насиб этди...

Инсон оламини гўзаллаштирадиган, яъни адабиёт, санъат, фан билан бойитадиганлар ҳам иқтидорлардир. Бугунги кунда эришилган барча муваффақиятлар ҳам иқтидорлар туфайли эришилган улуғ самарадир. Самарқанд, Бухоро ва Ҳиндистондаги гўзал "Тожмаҳал" обидаси ҳам, наср ва назмдаги гўзал асарлар ҳам мана шу иқтидорларнинг меҳнатлари туфайли юзага келган улкан тараққиётдир. Катта куч — омма ҳам ўзи сезмаган ҳолда мана шу иқтидорлар томон интилади. Не ажабки, баъзи ҳолларда омма ўзи сезмаган ҳолда қайсидир сиёсатнинг қурбонига айланиб иқтидорларга қарши боради. Ҳатто ўлдириш даражасига ҳам етади... назаримда Шукур акадай илоҳий қудрат атрофида ҳам баъзи ҳолларда шундай манзаралар содир бўлди ва мана шу манзарани содир қилганлар ҳам албатта, эртадир кечдир, Оллоҳдан ўз жазосини олади...

Кутилмаганда саҳна қопқора рангга бўялди. Аста-секин саҳнанинг орқа томони ёриша бошлади. Ёришган ерда арвоҳ, яъни Ҳамлетнинг отаси-марҳум қирол кўринди. Зинапоялардан ўлжа пойлаётган қоплон каби кўтарилиб бораётган Ҳамлетга арвоҳ: "Ҳамлет! Сўзимга қулоқ тут! Боғда ухлаб ётганимда амакинг қулоғимга заҳар қўйиб ўлдирди... бевафо хотин ва қотил уканинг қурбонига айландим..." дея уқтирарди. Саҳна қаърида икки кўз оловдай шуълаланди. Шуъла ёрқинлашиб бораверди. Жингалак сочли улкан бош турли томонга айланар, икки қўл кўтарилиб тушар, тана эса ёрилгудай қалтирар эди. Дафъатан қаҳ-қаҳа кўтарилди. Зал, томошабинлар остин-устун бўлгандай тасаввурда эдим... Момогулдирак гумбирлаётганмиди, чақмоқ чақаётганмиди, ер силкинаётганмиди, сув тошаётганмиди?! Фарқлаш маҳол эди.Қаҳ-қаҳа янграгандан янграрди. Қаҳ-қаҳа аста-секин хиқирлаш билан алмашди. Сўнг хиқирлаш хўнграш билан алмашди. Ҳамлетнинг кўзларидан бамисоли ёмғирдай ёшлар тўкила бошлади.

Ҳамлет шердай бўкириб қўзғалди... Саҳна ёришиб борар, қутурган шер Шукур ака қилични ҳозирлаб турли томонга югуриб рақибларни изларди...

Даҳшат...даҳшат.. биргина мана шу манзара ҳақида минг жилд асар ёзиш мумкиндир, бироқ аминманки, Шукур аканинг мана шу манзарани яратишидаги илоҳий қудратини ҳеч ким, ҳеч қачон тўла ифодалаб беролмайди... саҳнадаги Шукур акага ҳеч қандай куч-қудратни тенглаштириб, таққослаб бўлмасди... чиндан ҳам у илоҳий қудрат эди, вассалом! Шу лаҳзада мен бир Шукур акада юзлаб ва минглаб иқтидорларнинг жамланган тафаккури ва ҳис-туйғуларини кўрардим. Шукур акани Оллоҳ гўё саҳна учун, фақат Ҳамлетни ўйнаш учунгина яратган эди... Агар Шекспир тирилиб келиб, ўзбек саҳнасида Шукур ака ижросидаги Ҳамлетни кўрганида, шундай асар яратгани ва уни ўзбек актёри Шукур ака илоҳий бир қудрат билан яратганини кўриб ақлидан озиши тайин эди... Шекспир орзу қилган Ҳамлетни фақат Шукур ака яратганди... Шукур акагача Ҳамлет қиёфасини қанча актёр яратган, билмайман. Шукур ака яратгани унинг шоҳ роли бўлиб қолишига имоним комил. Бугунги кунда буни асослай олмаслигим мумкин, чунки Шукур ака ижросидаги Ҳамлет радиога ёзиб олинмаган ё бирорта ҳаваскорда ҳам бундай хотира қолмаган... чунки вақтида бунга йўл қўйилмаган эди... Бу борада Шукур аканинг ойнаи жаҳонга, радиога бир неча бор мурожаат қилганининг гувоҳиман. Лекин ҳеч ким бунга эътибор бермаган ва Шукур ака ҳайратланиб бу ҳақда биз-ёшларга афсусланиб гапирганди... Унинг: "Ўзбеклар ҳали улуғ санъатни баҳолаш, қадрлаш даражасига етиб келмадилар..." деган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб туради... ваҳоланки ўша кезлари Шукур аканинг укаси Убай Бурхон радио ва телевидения қўмитасининг биринчи ўринбосари эди... ва у ҳам "сиёсий кўрлик" тамғасидан қўрқиб бу ишга бош қўшмаганди...

Ўктам ҲАКИМАЛИ
(Давоми бор)



Фахрийлар ижоди

Тўра Жуман — заҳматкаш кекса шоир. Унинг бисотида навқиронлик давридан қолган даҳшатли Иккинчи жаҳон уруши изтироблари ҳам, йигирманчи аср тўфонлари ҳам жонли тарих сифатида намоён. Шоир ўз кечмишидан катта ҳаётий тажриба тўплай олган. Шунинг учун ҳам гарчанд саксон билан синашта бўлаётган бўлса-да қўлида қалам, кўнглида илҳом.

Тўра аканинг кексалик фасоҳати ила дунёга келган ижод чаманидан бир гулдаста ҳозирладикки, бу муштарийларимизга оталар ўгити, боболар насиҳати ва дуолари қадар манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

ОЗОДЛИК — ОБОДЛИК

Она юртим Ўзбекистон бўлди жаннат мисоли,
Мустақилликда яшамоқ ғоят гаштли, сафоли.

Биров фермер, ким қурувчи, ўз эркига қўйилса,
Банд бўларкан яхши ишлар билан ҳамма хаёли.

Унда қилган завод қурар, ҳар нарсага йўл очиқ,
Янгиликдан фойда кўриб, ғоят мамнун аҳоли.

Самарали юмуш билан доим машғул халқимиз,
Ортсин дея ўлкамизнинг яна ҳусни-жамоли.

Таъриф айлар гул турмушни Тўра достон, ғазалда,
Беҳад қайноқ илҳом берар ўз элининг камоли.

Х Х Х

Юрагингни пок айлаб, элга қилсанг жон фидо,
Ошиб борар ҳурматинг. бахтдан бўлмайсан жудо.

Халқ учун бўлган хизмат унутилмас ҳеч қачон,
Донгдорларни олқишлаб тараладi акс-садо.

фақат ўзини ўйлаб юрганда эътибор йўқ,
Бадхулқнинг бахти кулмас, ғамдан бўлади адо.

Яхши еса ошини, ёмон ейди бошини,
Тўра, эгри иш қилган топмай қолмайди жазо.

Х Х Х

Яхши билан ўтирсанг, чўл-саҳрода хуррамлик,
Ёмон билан ўтирсанг, боғ ҳам қайғулик, ғамлик.

Одоб - ахлоқи бордан ҳеч айрилгинг келмайди,
Кайфингни чоғ айлайди улар билан ҳамдамлик.

Ахлоқсизлар соғларни касал қилар шубҳасиз,
Улар суҳбати ҳатто бўлса ҳамки бир дамлик.

Гапидан биларкансан ақлли, ақлсизни,
Тўра, нега баъзида йўқ заррача одамлик.

Х Х Х

Ким изланишдан қочмай, янгилик бунёд этгай,
Хонадонини ҳамда Ватанин обод этгай.

Ҳар яралган кашфиёт шарофат бўлган учун
Раҳбарларни, элини, оилани шод этгай.

Обрўси, эътибори ошаверар тобора,
Байрамларда, тўйларда халқи уни ёд этгай.

Кашфиёти ёзилиб тарихда қолар, Тўра,
Демакки, у номини мангу-умрбод этгай.

Х Х Х

Чин инсон бўл, отага итоатни канда қилма,
Оқ сут берган онага зиёратни канда қилма.

Гумроҳ бўлиб яшашдан ёмони йўқ бу дунёда,
Мусулмон бўлсанг агар, ибодатни канда қилма.

Адашсанг, тўғри йўлга тушиб олгин муқаррар,
Билимни кўп эгалла—саодатни канда қилма.

Ўзни урсанг ҳар ёна, обрўйинг бўлгай бегона,
Тўра, чин инсон бўлсанг қаноатни канда қилма.

Тўра ЖУМАН

МУРУВВАТДАН МУНАВВАР КЎНГИЛ

"Бухоротўқимачи" ҳиссадорлик жамиятида "Меҳр-мурувват йили" давлат дастурининг биринчи чоракда бажарилишига бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

- "Меҳр-мурувват йили" муносабати билан корхонада махсус дастур ишлаб чиқилди. Айни пайтда корхонада ишлаётган 18 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 60 нафар ногиронлар, мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар ва 160 нафар ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Йилнинг биринчи чорагида уларнинг 180 нафаридан зиёдига 1,3 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Шундан 870 минг сўми ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан, 460 минг сўми касаба уюшмаси томонидан ажратилди. Шунингдек, ногирон ва кам таъминланган ишчиларга саломатликларини тиклаши учун дам олиш масканларига 18 та бепул йўлланмалар берилди. Ишчиларнинг фарзандларидан 40 нафарини ёзги таътил пайтида даволанишга жўнатиш режалаштирилган.

Корхона қошида ёшлар клуби ташкил этилган бўлиб, унда маҳалла фуқаролар йиғини ва мактаблар билан ҳамкорликда таниқли шоир ва ёзувчилар, рассомлар иштирокида адабий кечалар, кўргазмалар, танловлар ўтказилмоқда.

"Туркистон-пресс"

Хотира — қалбдаги ҳайкалдир

УМР МАЗМУНИ

Ҳар бир инсон ҳаётида ширин ва унутилмас дақиқалар бўлади. Шулардан бири сўзинг-сўзингга, дилинг-дилингга яқин дилкаш инсонлар билан суҳбатдир. Ана шундай бағрикенг, қалби гавҳар дўстбиродарларингнинг борлиги ҳар бир инсон учун бебаҳо бахт, руҳан тетик, жисмонан бардам бўлишнинг кафолати ҳамдир.

Бизнинг падари бузрукворимиз, домла — Мирёқуб афанди ҳамда волидаи меҳрибонимиз Меҳринисо (уларни Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) қўли очиқ, меҳмондўст, ҳазил-мутойибани ёқтирадиган хушчақчақ инсонлар эди.

Шундай хонадонда таълим-тарбия олиб вояга етганим учунми, улардаги яхши хислатларни Аллоҳ таоло менга ҳам юқтирди. Умрим бўйи мен ҳаётдан бойлик эмас, дўст изладим. Хуштабиатли, яхши фазилатга бой инсонлар билан суҳбатда бўлишни, давра қуришни, дўстлашишликни ўйладим. Ёшлик йилларимдаёқ, ширин суҳбатдошлар, ажойиб дўстлар топдим. Улар орасида Одилхон Мухторов ўзгача яшнаб турарди. У ҳам менга ўхшаш қулгини, ҳазилни, аскияни, санъатни, урф-одатларимизни, табиатни, ўз миллатини яхши кўрган, фидойи эди. Шулар туфайли юлдузимиз юлдузимизга тўғри келди шекилли, бир-биримизга бўлган оқибат, меҳр-муҳаббат қирқ беш йил давомида кундан-кунга ошиб, мустаҳкамланиб борди. У билан бирга бўлган кунларим, дақиқаларнинг ҳар бири ўзига хос унутилмас таассурот қолдирган. У билан ҳатто телефондаги сўзлашувларимиз ҳам кулги билан якунланарди. Бир-биримизни ҳар куни кўрмасак, ҳеч бўлмаса телефонда сўзлашмасак хотиржам ёта олмасдик. Ҳатто сафарларга ёки дам олишга борганларимизда ҳам бир-биримизга қўнғироқ қилиб турардик. Бирodарлар ҳузурига, ҳамкасблар даврасига ёхуд меҳмондорчиликка доим мен билан боришни хуш кўрарди у.

Тенг-тенги билан деганларидек, ҳар бир инсон ўзига, табиатига мослар билан яқинлашишни, улфатчилик қилишни ўйлар экан.

1957 йилда ТошМИда таниш ҳамкасблар — рентген кафедраси шифокорлари Эркин Аъзамхўжаев, Маҳмутжон Толипов, Саидали Хўжаевлар билан турли жойларда, айниқса, Чилонзор Оқ-тепасидаги анҳор бўйидаги Ўринбой ака чойхонасида ва бошқа жойларда улфатчилик қилардик. Чойхона соҳиби ҳам аскияни, қулгини яхши кўрадиган бўлганлиги учун даврамизга қўшилиб турарди. Гоҳо Саидолим Аъзамхўжаев ҳам келиб, масза қилиб дам олиб кетарди. Кулги, аскиялар шундай авжига чиқар эдики, кулаверib кўзларимиздан ёш чиқиб кетар эди. Яна муҳими шунда эдики, ўтирганларнинг ҳаммаси ҳазилни яхши кўрадиган, тўғри тушунадиган, бир-бирларидан сира хафа бўлмай, очиқ аския қилишадиган ўртоқлар эди. Бундай улфатлар жуда камдан-кам бўлади. Эссиз-эссиз уларнинг кўплари оламдан ўтиб кетдилар. Улардан фақат яхши сўзи қолди. Қизиқ ҳангома жуда кўп. Қуйида улардан бир шингилини хатта туширдим.

Одилжон Мухторов мен билган олимлар ичида аввало ўз соҳасини пухта билибгина қолмай, тарихни, адабиётни, санъатни яхши билиши билан ажралиб турарди. Бу камтарин, суҳбати ширин олимнинг айниқса, санъатга меҳри бўлакча эди. Яхши санъаткорлар қатнашаётган тўйларда бўлса, агарда вақтимиз бўладиган бўлса, бир чеккага ўтириб ош тамом бўлгунга қадар уларнинг хонишларини масза қилиб эшитиб ўтириб, сўнг кетар эдик. Кўп ўтмай номзодлик диссертациясини ёқлади. Илмий ишни давом эттириш тўғрисида профессор Ж.Н.Максумов билан маслаҳатлашдик. У киши соғлиқни сақлаш вазирлигида илмий кенгаш раиси эдилар. Мен ҳам у ерда мутахассис бўлиб ишлар эдим. Уччаламиз маслаҳатлашиб, Ўзбекистонда урологлар кам эканлиги, докторлар деярли йўқлигини эслатиб, шу мутахассисликни яхши эгаллаш зарурлигини уқтирдик. Одил Мухторов ТошМИга келишдан олдин вилоятда жарроҳ бўлиб ишлаган эди.

Шу ният билан собиқ соғлиқни сақлаш вазири Қ.С.Зоировнинг олдига биргалашиб кирдик. Раҳматли Қаюм Собирович аспирантура ва докторантурага имконияти борича ўзбеклардан кўпроқ Москва ва бошқа шаҳарларга жўнатиш ва уларга шароит яратиб беришга жонбозлик қилган вазир эди. У таклифни маъқуллаб, Москвага унинг докторантурага боришини қўллаб, бу ниятни юзага чиқарди. Бугина эмас, докторлик диссертациясининг яхши бориши ва якунланиши учун ёрдам бериб турди. Илмий ишни ҳимоя қилгач, урология фанини янада яхшироқ эгаллаш учун академик Лопаткин қўлида ишлаш учун ҳам шароит туғдириб берди. Москвага борганида ҳар хил ўзбек миллий куй ва қўшиқлар ёзилган магнитофон лентасини эски, ўша даврларда чиққан магнитофоннинг ҳам олиб бориб, илмий ишларидан чарчаганида уни эшитиб хордиқ чиқарарди.

Ўша магнитофоннинг ҳам тарихи бор. Мен Москвага стоматология институтида ўқиб юрган пайтимда у Тошкентда бошлаган номзодлик ишим бўйича тегишли адабиёт йиғиш учун Москвага борганди. У ўзи билан 4-5 қути помидор олиб борди ва уни бозорда кўтарасига сотдик. Шунда менга у магнитофон сотадиган магазинни кўрсат, магнитофон оламан, деди. Бу ният ҳам амалга ошди. Сўнгра ўша пайтда Москвада докторлик иши устида ишлаётган ТошМИ анатомия кафедрасининг мудири Ҳаким Зоҳидовни кўриб келиш ниятини айтди. Дам олиш куни эрта билан устоз турган жойга бордик. Унинг хонасида бироз ўтиргач. Одил Мухторов қишлоқ хўжалиги кўргазмасига бориб томоша қилиб келишни таклиф қилди. Мен шу он ярим чин, ярим ҳазил қилиб, Ҳаким ака кеча Одил Мухторович магнитофон олдилар, шуни ювмоқчилар деб қўйдим... У бўлса илмий ходимларда пул нима қилади, деб кулиб қўйди.

Хуллас, кўргазмага бордик. Йўлда Ваҳоб Акбаровни учратиб қолдик. У ҳам илмий иши бўйича маслаҳат олгани Москвага келган эди. Ўзбекистон павилони чойхонасида магнитофонни "ювган" бўлдик. Сўнг эсдалик учун расмга туширдим. Ўша магнитофонни яна докторантурага борганда Москвага олиб келган эди.

Уйига қачон борсам ҳам доим бўш пайтида магнитофондан куй ва қўшиқлар эшитиб ўтирар эди. Телевизорда бериладиган концертларни доим ёзиб олар, сўнг яхшисини қолдириб, ёмонини ўчириб ташларди.

Агарда ўзи телевизорда бериладиган концертни ёзиб олиш вақтида уйида бўлолмаса уйидагиларга ёки бўлмаса мендан илтимос қилар эди.

Бир куни ҳузуримга Юнус Ражабийни тиш қўйдириш учун ўша пайтдаги ректор Абдумалик Ғуломович бошлаб келди. Кейинроқ тишлар битгач, Хумсон дам олиш уйига ўғиллари — Ҳасан Ражабий билан боришларини айтдилар ҳамда мени ҳам таклиф қилдилар. Мен куй ва қўшиқни яхши кўрадиган дўстим бор, уни ҳам олиб бораман деб айтдим. Бу таклифни Одил Мухторовичга айтган эдим, унга жуда маъқул бўлиб, улар танбур, дуторларини ҳам олиб борсалар керак деб сўради. Мен унга улар албатта олиб борарлар, ҳар эҳтимолга қарши мен ҳам ўзимни дуторимни оламан, дедим. Сўнгра 4-5 кун ўтгач Хумсонга бордик.

Хумсон дам олиш уйи чойхонасида дарё устига қурилган сўрида бир неча ўртоқлар ўтиришган экан. Ошхонада — қозон тепасида эса раҳматли Юнус акамлар пешоналарини бойлаб, ўзлари ош дамлаётган эканлар. Мени кўриб, жуда хурсанд бўлдилар. Мен сизга айтган шинаванда дўстим билан келдик деб Одил Мухторов билан таништирдим. Сўнг мен Юнус акага бугун тишни ювар эканмиз деб кулишдик. Улар кулиб йўқ тишни алоҳида ювамиз, дедилар. Сўнг уччаламиз даврадагилар олдига бордик. Улар орасида Амин Турдиев, Бурхон Зиёев, Ҳасан Ражабий ва бошқалар бор эди. Суҳбатимиз жуда қизишиб, куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Эсдалик учун мен уларни суратларга ҳам туширдим. Бир куни Ҳакимжон Файзиевга, Ҳакимжон ака олдинлар дутор чалар эдингиз, кейин тўйларда тор чаладиган бўлдингиз, торни ташланг, унинг ўрнига танбурни чалинг, 3-4 ой сизга муддат, агарда торда чалиб ашула айтадиган бўлсангиз симини узиб ташлайман деб ҳазиллашиб қўйди. Раҳматлик танбурни ўрганиб, танбур жўрлигида хониш қиладиган бўлди. Йиғинларда уни кейин танбур чалаётганини кўрар эдик. Ҳакимжон Файзиев эса бизларга кўзи тушса, кулиб танбур дастасини юқори кўтариб силкитиб қўярди...

Ўзи чалмаса ҳам уйимга борганда чалиб турасиз, деб менинг битта дуторимни олиб кетди. Буларнинг ҳаммаси Одил Мухторов ўзбек миллий чолғу асбобларига меҳри кучлилигидан нафис, нозик дид соҳиби эканлигидан далолат.

Яхши ижро этилган, шўх куй-қўшиқ бўлса, ўйинга ҳам тушиб кетарди. У санъатга ана шундай ишқибоз, завқли бир инсон эди. Аммо ишда, уйда ўта талабчан, жиддий эди.

Миржамол МИРЁҚУБОВ

"Ўзбекнефтегаз" ва "Автогаз"
миллий холдинг компанияси *акциядорлик компанияси*

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уруш қатнашчилари, байналминалчи жангчилар ва бутун Ўзбекистон халқини чин дилдан муборакбод этади. Ўтганларнинг руҳи шод этилиб, кексалар қадрланаётган-шу шукуҳли кунларда ҳаммага сиҳат-саломатлик, бахт саодат, жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлидаги ишларига ривож тилайди.

Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига

ЭЛ СЕВГАН ШОИР



Яқинда "Ижод дунёси" нашриёт уйи Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг "Улуғимсан Ватаним" шеърий тўпламини чоп этди. Китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган бу китоб, адибнинг 50 йиллик юбилейи арафасида чоп этилдики, бу шоирнинг "Юртим" деб ёнганидан, юртнинг эса уни "шоирим" деб ёд этаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, шоир ўзининг бутун ижодий фаолиятида Ватан мавзусини юқори ўринга қўйди. Ватанга бўлган чексиз муҳаббати-ю садоқатини минглаб бетакрор шеърий сатрларда баён этди:

Ўғлим, десанг осмонларга,
Ғурот бўлиб учгайман.
Чамбил юртда Алпомишга,
Навкар бўлиб тушгайман.

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга.
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга, — дейди. Бу унинг ўз элини, халқи ва Ватанини чинакам, чин фарзанддек, беғараз, сидқидилдан яхши кўришининг ифодасидир. Шоир қалбидаги шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърияти ҳам худди шундоқ беминнат ва бағараз шеърият сифатида майдонга келди. Ва бу оққўнгил, осмонқалб укамиздан худди шундай шеърият ёдгор қолди, - деб ёзади атоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўзининг бу китобга ёзган сўз бошисида.

— Мен, — дейди Абдулла Орипов, — Муҳаммаджон билан узоқ йиллар мобайнида ёнма-ён яшадим, ёнма-ён ижод қилдим, ёнма-ён ишладим. Ҳали ёшлик йилларидаёқ бунчалик кўп мухлис орттирган, дўст-оғайниси бисёр ижодкорни кам кўрганман. Санъаткорларку унинг ҳар бир мисрасини созга солишга тайёр эдилар.

Буларнинг сабаби нимада? Биринчи навбатда Муҳаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга эса бошқалар ҳамиша талпинадилар... Худди шундай яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонуниийдир. Шу каби юксак фазилатлари туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади, Юртбошимиз оталарча меҳр кўргазди. Унинг хизматларини давлатимиз муносиб баҳолади. Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон халқ шоири унвонига эга бўлди.

Ўз халқини севган шоир қалб қўрини сатрларга жойларкан:

Дунё ичра, тенгсиз дунё,
Зарчопон қалб, Ялангтўшим.
Қўли очиқ, меҳри дарё,
Мушти қаттиқ, кўнгли бўшим.
Ўғлига от бўлиб чўкиб,
Қизларига алла айтган,
Белбоғига борин тўкиб,
Тўйга бориб, тўймай қайтган.
О, болафеъл, о, болажон —
Ўзбекистон, Ўзбекистон, — дейди.

Шоир ўзи ўсиб, улғайган, ўзга юртдан улуғ билган ўлкасини шундай куйлайди:

О, ота маконим, Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ, сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга!

Ўзбекнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг ушбу тўплами "Улуғимсан Ватаним" деб бежиз номланмади. Унинг ижодида Ватан мавзуси энг асосий ўринни эгаллаган бўлиб, юртга муҳаббат унинг учун ҳамма туйғулардан устун эди. Мазкур тўпламга шоирнинг турли даврларда битилган шеърлари киритилиб, улар тўрт бўлимга ажратилди.

"Биздан озод Ватан қолади" деб номланган I-бўлимга мустақиллигимизни куйлаган бир қанча янги шеърлари, "Шаҳарлар мадҳи" деб номланган II-бўлимга Тошкент, Андижон, Марғилон ва Шаҳрихон шаҳарлари ҳамда Мингтепа қишлоғининг тарихи ва уларнинг тарихий шахслари ҳақидаги чуқур фалсафий қарашлари ўз аксини топган. "Яқин ва олис мозийдан садо" деб номланган III-бўлимга аллақачон ёшларга мадҳия, ҳофизларга қўшиқ бўлиб кетган Ватан ҳақидаги ашъорлари, олис ва яқин тарихимиздан сўзловчи шеърлари, "Тошларни йиғлатган достонларинг бор" деб номланган IV бўлимга эса "Эй, дил", "Қора қуёш", "Кўҳна қудуқ", "Темирлар нидоси" каби равон ўқиладиган, чуқур ўйга толдирадиган, кенг мушоҳада қиладиган достонлари киритилган.

Шунингдек, китобга 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Муҳаммад Юсуфга "Халқ шоири" унвонини ва Президент ҳузуридаги "Давлат ва жамият қурилиши академияси" ректори Алишер Азизхўжаев академия битирувчиси Муҳаммад Юсуфга диплом топшираётган лаҳзалар, ҳамда шоирнинг таниқли адиблар ва шеърият мухлислари даврасида бўлган унутилмас кунларда олинган турли фотолавҳалар ҳам киритилган.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуф ўзининг ижоди ва ижтимоий-фалсафий қарашлари билан ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга, юртдошларимизни она-Ўзбекистонимиз, буюк аллomаларимиз билан фахрланишга даъват этаркан, ана шу даъватга аввало ўзи амал қилган шоирдир.

Муҳаммад Юсуф қисқа умр кўрди, аммо ундан бетакрор, барҳаёт, завол билмас ижодий мерос қолди.

Охирати обод, ёди барҳаёт бўлсин.

С.СИРОЖИДДИНОВ.

Ўзбек

Ўзбекка ўхшатиш топмоқ муаммо,
Ўхшаса ўзига ўхшайди ўзбек.
Қиёси йўқ унинг, меҳри бир дарё,
Дунёда болам деб яшайди ўзбек.

Бир қўлда беланчак, бир қўлда қуръон,
Бир елкада кетмон, бирида иймон.
Барчага баробар бир офтобсимон,
Яшнасин олам деб яшайди ўзбек.

Ўнта бўлса ўрни бошқа унинг-чун —
Ўғлим оташимдан яралган учқун.
Қизим парилардан чеҳраси гулгун,
Юзлари лолам деб яшайди ўзбек.

Момолари тетик юзга кирса ҳам,
Боболари қайси йигитлардан кам.
Зурёдлари бўлса бир ҳовлига жам,
Тўшак етмай тўнин тўшайди ўзбек.

Эҳтиром этганга эҳромлари бор,
Кеккайганга бўйин эгмагай зинҳор.
Бешигида жажжи Исломлари бор —
Тош ўтмас қўрғонга ўхшайди ўзбек.

Киндик қони томган тупроқ унга шон,
Керак бўлса, бесўз бахш этар у жон —
Кўкракка урмайди: Ватан деб, Ватан!
Алпомиш ўғлонга ўхшайди ўзбек.

Муҳаммад, ким бўлдинг қиёсин топиб,
Ўхшаса — ўзига ўхшайди ўзбек.
Ёмон шеър ёзсанг ҳам бетингдан ўпиб,
Кам бўлма, болам, деб яшайди ўзбек.

Муҳаммад ЮСУФ

Юртимиздаги тинчлик, осойишталик ҳаммамизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Бу ишга тойлоқликлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.
Суратда: Тумандаги Маданият маҳалласининг участка профилактика нозири Илҳом Зоҳидов, маҳалла посбони Обрўй Ибрагимов ва фаол Ислом Султонов бир-бирлари билан доимо ҳамкору-ҳамнафас.

ФУТБОЛ — МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ

Дарҳақиқат, бугунги кунда футболнинг кенг миқёсда ривожланиб оммавийлашиб бораётгани, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчанинг ушбу спорт тури билан қизиқиши, ҳаттоки аёлларнинг ҳам жаҳон бўйлаб яшил майдон узра тўп сураётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада, айниқса, юртимизда қилинаётган ишлар, оммавий спортни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир.- Жумладан, Тошкент вилоятида, ёшлар ўртасида футболни юксалтириш йўлида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар фикримизнинг далилидир.

Иккинчи лига, касаба уюшмалари, фахрийлар, турли ёшдаги жамоалар ўртасида мунтазам мусобақалар ўтказиш борасида вилоят футбол федерацияси ходимлари оммавий футболни юқори чўққиларга олиб чиқиш учун тиним билмай меҳнат қилишмоқда.

Шу ўринда Тошкент Давлат Аграр Университети раҳбарияти ҳомийлигида хашар йўли билан барпо этилган стадион ҳам ўз навбатида талаба ва ўқи тувчиларнинг соғлом турмуш тарзини тўғри йўлга қўйиб олишлари учун кенг имкониятлар яратиб берганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Оммавий футболни ривожлантириш борасидаги ишлар мана шу тарзда давом этса юртимизда бўлажак чемпионлар янада кўплаб камол топишига ҳеч шубҳа йўқ.

Жамшид МАТЁҚУБОВ,
"Адолат" мухбири

Элга хизмат — олий ҳиммат

ЧИЛОНЗОРДА БИР ШИРКАТ БОР



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Цмавзесида "Катта Навбаҳор" уй-жой мулкдорлари ширкати бор. Унинг фаолиятидан бугун кўпчилик мамнун бўлмоқда. Боиси сир эмас. Ширкат фаолиятига назар солсак, йиғилган маблағларни ўз ўрнида ишлаётганлигига эканлиги маълум бўлмоқда. Мазкур ташкилот 2001 йилнинг 1 августида анча йиллардан бири шу соҳада ишлаб келаётган Вафо Хўжаниёзовнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган бўлиб 1150 нафар хонадонга коммунал хизматлар кўрсатади.

— Дастлаб ишни бошлаганимизда қатор муаммо ва қийинчиликларга дуч келдик, — дейди ширкат раҳбари Вафо Хўжаниёзов. — Бош ҳисобчимиз Марина Лынова ҳамда жамоамиз билан бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилганлигимиз туфайли барча қийинчилик ва муаммолар ортда қолди. Мана ўтган 2003 йили 20 миллион сўм даромад қилдик. Албатта, бу маблағни, аввало, ўзимизга керакли техник жиҳозлар харид қилишга, деярли фойдаланишга яроқсиз уйларни таъмирлашга сарфладик. Шунингдек, маҳалла оқсоқоли К.Жамолов билан келишган ҳолда кам таъминланган оилаларнинг тўлай олмаган пулларини бахридан ўтдик. Яъни, "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан уларга мурувват кўрсатдик.

Суҳбатимизга ширкатга қарашли уйларда яшаётганлар ҳам қўшилди. — Уйимиз ертўласидаги иссиқ сув қувурлари ёрилиб кетди, — дейди Дилором Усмонова. — Натижада пастки қаватдаги уйларга бош суқиб бўлмай қолди. Ширкатимиз раҳбари буни икки-уч кунда тўғирлаб берди. Бу ширкатни вазифаси-да дейишингиз мумкин. Бироқ, бошқа ширкатларга қарашли қўшни уйларда шундай ҳодиса рўй берса ойлаб, ҳатто йиллаб ўз ҳолича қолиб кетаётганини кўраяпмиз.

— Анча йиллардан бери ёлғиз яшаб келаяпман, — дейди Ҳасан Абдусаломов. — Ширкатимиз раҳбари аҳволимни тушуниб, тўлашимиз лозим бўлган 70 минг сўм пулни бахридан ўтиб юборди.

Бири қўйиб бири мулкдор сифатида ўз ширкати фаолиятидан кўнгли тўқ эканлигини билдираётган ҳамюртларимизнинг қувончини кўриб, қанийди, ҳамма уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳам худди "Катта Навбаҳор"дек, эл-юртнинг ишончини, меҳрини қозониб ишласа дейсан, киши.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

ТОҒЛИКЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан Китоб туманида 2004 йилга мўлжалланган "Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури" ишлаб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Китоб туманидаги тоғли ҳудудларда жойлашган қишлоқларда муқим иш ўринларига эга бўлмаган ўн бир минг нафардан ортиқ одам рўйхатга олинган. Уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида хўжаликларда боғдорчилик, узумчилик ва деҳқончиликни йўлга қўйиш мумкин бўлган 4 минг гектардан ошиқ лалмикор бўз ерлар мавжуд. Унга асосан, "Паландара" ширкат хўжалигида 1631 гектар, "Варганза"да 250 гектар, Навоий номли хўжаликда 1100 гектар, Охунбобоев номли хўжаликда 450 гектар, "Қишлоқ"да 1000 гектар ер деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш учун ажратилди.

Агар ушбу майдонларнинг ҳар 0,5 гектарида биттадан деҳқон хўжалиги тузилса, жами 8 минг 800 та кичик тадбиркорлик субъекти пайдо бўлади. Ҳар бир деҳқон хўжалигида узумчилик йўналиши бўйича ўртача икки киши ишлаган тақдирда ҳам 16 мингдан ошиқ киши иш билан таъминланади.

"Туркистон-пресс"

Марҳамат туман ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги Қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи қошида илк маротаба битирувчилар учун иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тадбир туман меҳнат биржаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамда маҳалла қўмиталари ҳамкорлигида уюштирилди.

Коллежнинг 87 нафар битирувчиси иш билан таъминланди. Ўтказилган тадбирдан нафақат унинг ташкилотчилари ва коллеж битирувчилари, балки уларнинг ота-оналари ҳам мамнун бўлдилар.

Шунингдек, туман ҳудудида жойлашган яна учта билим юрти битирувчилари учун ҳам мана шундай меҳнат ярмаркалари ўтказиш режалаштирилди.

"Туркистон-пресс"

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида гапирилган эди

ПРЕЗИДЕНТ ҚЎЙГАН ВАЗИФА

Қадимий Чустнинг бугун турфа гуллардан ҳошия тутган сўлим кўчалари бўйлаб одимлаб бораяпмиз. Ўрта бўйли, чеҳраси фаришталари, кумушранг мўйлови ва қалампир нусха дўпписи ўзига ярашган ҳамроҳимни афтидан чустликларнинг деярли ҳаммаси танийди чоғи, кексаю ёш бир зум тўхтаб, тавозеъ билан у кишига салом берар, саломига самимий алик эшитгач, мамнун жилмайиб, йўлида давом этарди.

— Биласизми, — дейди у ўзгача бир жиддият билан, — шарқлик мутафаккирлар икки хил илм борлигини эътироф этишган. Биринчиси — илми ҳол, яъни, инсонга туғма иньом қилинган илм. Иккинчиси эса илми қол. Бу фан муаллим сабоғи боис тушунилгач тафаккур мулкига айланади.

— Тўғри айтасиз: "Ўқи!"- арабча "Иқро". Мазкур хитоб ҳам бутун башариятга қаратилган даъват бўлган. Шу алфозда маърифат тарқатишга чорлаганди Тангри пайғамбаримизни.

— Алҳол, ўқитиш — осон амал эмас, — илиб кетади яна суҳбатдошим. — Эзгулик раҳнамолиги, жоҳиллик мағлубияти ўқиб билишдандир. Худди шу маънода, муаллимларни инсон руҳиятининг меъморлари десак хато бўлмас. Зотан, ёш насллар феълатвори худди қаровсиз қолган боғ монанддир. Ўқитувчи — бамисоли бир боғбон: бола табиатидан иллатларни аритиб, руҳиятини поклаб туради. Алалхусус, мамлакат ободлигида, халқ шодлигида ўқитувчининг хизматлари беқиёс.

Шу тариқа суҳбатлашиб, анча юрибмиз. Бир пайт ҳамроҳим:

— Мана етиб ҳам келдик! — деди.

Қарангки, унинг суҳбатни муаллимлар таърифига бурганининг боиси бор экан, чунки у мени мактаблар ҳаёти билан таништириш истаги билан шу йўлга чиқибди. Қаршимиздан бир гуруҳ муаллимлар чиқиб келишди. Ҳамроҳим — Чуст туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Валихон Ғозиев улар билан бир-бир таништирди. Сўнг мактаб биноси таъмири билан боғлиқ ишлар юзасидан сўзлай кетди:

— Бу — "Хумо" номли 19-мактаб. 1220 нафар ўқувчи ўқийди. Ўтган йили бу ерни битириб чиққан ўқувчиларнинг 7 нафари турли олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Яна қанча ўқувчи Ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг талабаларига айланди. Сабаби бу ерда яхши ўқитишади. Шароит ҳам яхши. Яқинда мазкур мактабнинг спорт залини тўлиқ таъмирдан чиқардик. 1960 квадрат метрли томни ҳам янгитдан шиферладик. Эндиликда иситиш тизимини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳаммаёқ саранжом саришта. Шу куни биз Чустнинг Ларзик, Ғова, Каркидон, Қорақўрғон, Оқсарой қишлоқларидаги бошқа мактабларни ҳам бориб кўрдик. Маълум бўлишича тумандаги 66 нафар мактабнинг 56 таси замонавий биноларда жойлашган экан. Мазкур мактабларнинг 32 тасида қишки спорт заллари деярли ҳаммасида спорт майдончалари мавжуд экан. Кувонарлиси 61 та мактабда замонавий ошхоналар ўқувчи ва ўқитувчиларга хизмат кўрсатаркан.

— Қарийб 20 та мактаб биноларининг том қисмини янгитдан шифирладик. Биргина 19-ўрта мактаб биносининг ўзига 1250 шефир сарфланди. Мазкур ашё учун бюджетдан 3 миллион 515 минг сўм ажратилган бўлса, Каркидон ширкат хўжалиги ҳомийлигида 3 миллион 968 минг сўмлик ёғоч материаллари сотиб олинди. Яна 46 та мактабнинг иситиш қозонхоналари ва 9 та мактабда ички ва ташқи иситиш тизимлари ўрнига янгилари ўрнатилди.

Қуёш чошгоҳга оққанда фарзандларимиз дилига эзгулик зиёси, шуурига камолот нурини олиб келажак Чустнинг маърифат ўчоқларидан мамнун бўлиб ортга қайтдик.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
"Адолат" мухбири

КЎЧАДА ҚОЛГАН КЕЛИН

ёхуд ўз зурриётини тирик етим қилишдан қўрқмайдиган бувига кўмаклашган судья хусусида

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Мен не-не орзу-умидлар билан Анвар Юлдашевга 2000 йилнинг 20 июнида турмушга чиқдим. Бошданоқ қайнонам мени унчалик ёқтирмаганди. Сабаби биз Анвар ака билан севишиб турмуш қурганмиз. Қайнонамнинг ҳамма қилиқларига чидаб, инсоф кириб қолар деб яшаб келаяпман. Бу орада қиз фарзандли бўлдик. Лекин барибир қайнонам тинчимади. Турмушимизда ҳар куни жанжал-тўполон авж олди. Кейин қайнотам яшаб турган уйимизни сотишга киришди. Ва уни пулига бизга эмас, қайнимга икки хонали уй сотиб олишди. Менга эса сенинг ҳам ота-онанг бор, улар ҳам пул берсин, ўртада уй олиб сизларни номингизга расмийлаштирамиз дейишди. Мен бор гапни ота-онамга тушунтирдим. Отам қариндошларимиздан қарз кўтариб 1000 АҚШ доллари берди. Шундан сўнг Юнусобод тумани Машинасозлар кўчаси 2-уй 2-хонадонини сотиб олдик. Анвар акам билан тинчгина, ўзимиз билганимиздай яшаймиз деб ўйлагандик. Бироқ қайнонам ўзи бўлак хонадонда яшасада бу ерда ҳам бизга тинчлик бермади. Ҳар хил бўлмағур гапларни чиқариб ўртамизга совуқчилик туширди. Бир куни уйимизга қайнонам келганида менинг қўлимдан қизимни тортиб олиб отиб юборди. Натижада қизим шайтонлаш синдроми касаллигига йўлиқди. Уни даволатиш учун ойлаб касалхоналарга югуришга тўғри келди. Бир гал касалхонада қизим билан ётганимда қайнонам уйга келиб ўғлини мен билан ажрашишга кўндирибди. Она барибир онада. Унинг айтганини ҳар қандай фарзанд бажаришни ўзига муқаддас бурч деб билади. Хуллас, бизни ажрашиш тўғрисидаги ишимизни Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судьяси С.Ишанкулова кўриб чиқди. У судни мени иштирокимсиз (қизим билан касалхонада эдим) олиб борган ва менинг шаънимни, қадр-қимматимни топтайдиган айтишга тил бормайдиган айблар қўйиб ажрашиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Мен шундан кейин ўз фарзандимни тирик етим бўлиб қолишини, қолаверса, яшаб турган уйимизни аллакимга сотиб юборибди. Суриштириб билсак қайнонам-қайнотамлар биз бирга яшамаслигимиз лозимлигини олдиндан режалаштиргани, шу боис сотиб олинган уйни ўғлининг номига эмас, қайнотамнинг номига расмийлаштирган экан. Ота-онам, мен ишонганимиздан уларнинг қора ниятларини умуман пайқамабмиз. Уйни ёлғончилик йўли билан ноқонуний сотганлиги тўғрисида ажрим-ажойимни ўйлаб апелляция тартибида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига ариза бердим. Суд Мирзо Улуғбек тумани судьяси қарорини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарди. Қайнонамнинг гап-сўзлари ҳар хил "ўйин"лари ҳали ҳолва учидан патир экан. Биз суд билан овора бўлиб юрганимизда ҳеч кимга билдирмасдан судга мурожаат қилдик. Лекин суд на берган 1000 АҚШ доллар пулни олиб берди, на бирон бир ижобий ёрдам берди. Қайтанга югур-югур қилиб ҳам вақтимиз, ҳам пулимиздан айрилдик.

Мени бир савол қийнайди. Фарзандли бўлиш орзусида юрган тирноққа зор одамлар қанчадан-қанча. Улар не-не сир-синоатларни бошидан кечиряпти. Ҳаттоки, болалар уйларидан гўдакларни олиб, фарзандим деб тарбиялаб вояга етказишмоқда. Наҳотки, қайнонам худо берган набирасини тирик етим хор-зор бўлиб қолишини ҳечам ўйламаса... Айтганча, ажрашиш учун ҳал қилув қарори чиқарган Мирзо Улуғбек туман судьяси С.Ишанкуловага ёрдам сўраб борганимда: "Сенга ҳеч қанақа ёрдам йўқ, ҳалиям кўчада қолибсан, агар қизинг билан бирга ўлиб кетганингда ҳам ҳолингдан биров хабар олмайди. Мени кўзимга умуман кўринма", деб ҳар хил ҳақоратомуз сўзлар билан хонасидан қувиб чиқарди. Инсон тақдирини ҳал қиладиган, уни эртанги кунини белгилаб берадиган судья С.Ишанкулова шундай деб турганида бошқаларидан нима умид, нима хайр. Судья ўлганни устига тепган қилиб уйсиз, жойсиз, пулсиз бир аёлга шундай муомалада бўладими... Наҳотки, судья С.Ишанкулова қўлидан ҳеч қандай ёрдам келмаган тақдирда ҳам мендан икки оғиз ширин сўзини қизғанса. Унинг мана шу гапидан кейин судьяларга умуман ишонмай қўйдим. Улар ўзларини кайфиятига, таниш-билишига қараб иш юритаркан...

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Ушбу шикоятимни газетангиз саҳифаларида чоп этишингизни илтимос қиламан. Зора, уни юқори идораларда ўтирган адолатли инсонлар ўқиб қолиб, уй-жойсиз қолган, қадр-қиммати топталган аёлга бирон-бир ёрдам берса... Ноҳақ қарорлар чиқариб, заифа бир аёлни топтайдиган, ҳақоратомуз сўзлари билан дилни яралайдиган судьяга ўхшаш кимсаларни танобини тортиб қўйса...

Шаҳноза Юлдашева,
Юнусобод тумани

МУРУВВАТДАН МУНАВВАР КЎНГИЛ

"Бухоротўқимачи" ҳиссадорлик жамиятида "Меҳр-мурувват йили" давлат дастурининг биринчи чоракда бажарилишига бағишланган ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

- "Меҳр-мурувват йили" муносабати билан корхонада махсус дастур ишлаб чиқилди, - деди "Бухоротўқимачи" ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси раиси Ибодулло Каримов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Айни пайтда корхонада ишлаётган 18 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 60 нафар ногиронлар, мингдан ортиқ кам таъминланган оилалар ва 160 нафар ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Йилнинг биринчи чорагида уларнинг 180 нафаридан зиёдига 1,3 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Шундан 870 минг сўми ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан, 460 минг сўми касаба уюшмаси томонидан ажратилди. Шунингдек, ногирон ва кам таъминланган ишчиларга саломатликларини тиклаши учун дам олиш масканларига 18 та бепул йўлланмалар берилди. Ишчиларнинг фарзандларидан 40 нафарини ёзги таътил пайтида даволанишга жўнатиш режалаштирилган.

Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий тадбиркор Зокиров Ҳикматжон Муҳамедаминовичга 2003 йил 13 июнда берилган Даромад ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Каримжон РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРГАШЕВ, Абдусамад МАМАЖОНОВ, Ўткир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Бўлимлар:
Сиёсат ва партия ҳаёти — 136-55-96.
Маънавият, адабиёт ва санъат — 136-53-14.
Хатлар — 136-53-14.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 500, Адади 2068 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Аслиддин БЎРИЕВ | Навбатчи— Жамшид МАТЁҚУБОВ

Газета ИВМ компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—23.00.

• Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. • Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. • Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. • Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.